| | |
|---|---|
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ** | **ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ** |
| **ҚАРОРИ** | **ҚАРАРЫ** |
| Нукус шаҳри | Нөкис қаласы |
| № 815 | «1» декабрь 2017 й.ж |

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги 933-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги 933-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги 933-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини **бир ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Хожаметов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **К.Сариев**

**Вазирлар Кенгашининг**
**2017 йил “01” декабрдаги**
**815-сонли қарорига**
**илова**

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари
## РЎЙХАТИ

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1995 йил 27 декабрдаги “Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини Бош давлат инспекциясига айлантириш тўғрисида”ги 274/12-сонли қарори.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1999 йил 21 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги 202-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги қарори ҳақида”ги 208/6-сонли қарорига 1-а-илованинг 6-банди.